

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2025 йил
19 декабрь,
жума
№ 52
(1086)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни расмий ташриф билан Токио шаҳрига келди.

“Ханеда” халқаро аэро-портида давлатимиз раҳбарини Япония ички ишлар ва коммуникациялар вазир-и Ёшимаса Хаяши ва бош-

қа расмий шахслар кутиб олди.

Токио шаҳрига келган Президент Шавкат Мирзиёев Японияда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз билан учрашиб, улар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимизда амалга

оширилаётган ислохотлар, юртдошларимизнинг орзу-умидлари, мақсад ва режалари ҳақида очик ва самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Президентимиз ватандошларимизга иши ва ўқишида муваффақиятлар тилаб, улар кунчиқар юртда орти-тирган билим ва тажрибалар

Ватанимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигига хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ташрифнинг асосий тadbирлари 19-20 декабрь кунлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Президенти Япония Императори Нарухито, Бош вазир-и Санаэ Такаичи ва

бошқа расмийлар, ишбилармон доиралар ҳамда академик ҳамжамият вакиллари билан учрашувлар ўтказлади.

Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

18 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди.

Ўн иккинчи ялпи мажлиснинг биринчи иш кунини сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, шу жумладан, аҳолининг ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Жорий йилда ҳудудларда долзарб ижтимоий муаммоларни, маҳалла инфратузилмаси билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантириш юзасидан Президентнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Амалга оширилаётган тadbирларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш ва қўшимча харажатлар манбаларини аниқлаш зарурати юзага келгани қайд этилди.

Ушбу қонун билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасидаги тadbирларни молиялаштириш ҳамда қўп квартираларни уйларида ва ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорлигини яхшилаш билан боғлиқ тadbирлар учун қўшимча маблағ ажратилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, бюджет маблағларининг мақсадли, самарали сарфланишини ошириш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш доирасида маблағларнинг бир қисmini мақбуллаштириш ва уларни қўшимча харажатларга йўналтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар 2025 йил учун Давлат

бюджети тўғрисидаги қонунга кирити-лаётган ўзгартишлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тadbирларни ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шундан сўнг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонуннинг мақсади 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Сенаторлар таъкидлаганидек, 2026 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, “ашиил иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш тизими билан қамровини кенгайтириш ва сифатли таълимга эга бўлиш каби ижтимоий соҳа мақсадларига устуворлик берилган.

Жумладан, Давлат бюджети харажатларининг қарийб 55 фоизини 220,0 триллион сўм ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Давлат бюджети харажатлари таркибида таълим соҳаси учун 100 триллион сўм назарда тутилган, тиббиёт соҳасига эса 49 триллион сўм ёки жорий йилга нисбатан 11,4 фоизга оширилмоқда.

Қонунга асосан келгуси йилда инфляция даражаси 7 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

2026 йилда Давлат бюджети харажатлари 402,6 триллион сўмни, даромадлари эса 368,9 триллион сўмни ташкил этмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари эса 78,6 триллион сўм, харажатлари 74,4 триллион сўм (бюджетлараро трансфертлар ҳисобга олинмаган ҳолда) миқдор-ида режалаштирилмоқда.

Хусусан, мазкур қонунда 2026 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 515,8 триллион сўм, харажатлар эса 567,6 триллион сўм миқдор-ида шакллантирилган. Бунда консолидациялашган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги вазифаси назарда тутилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар бюджет даромадларини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратди.

Сенаторлар ўз чиқишларида 2026 йилда макроиқтисодий сиёсат соҳа-

сида устувор этиб белгиланган вазифаларни бажариш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ва давлат дастурларида назарда тутилган бошқа муҳим тadbирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Ялпи мажлисда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2026 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шу жумладан, амалдаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, Президентимизнинг тadbиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгилан- берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

2026 йилда ҳам солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари қўшилган қий-мат солиғи 12 фоиз, фойда солиғининг базавий ставкаси – 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи – 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси – 1,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи – 0,95 фоиз, ижтимоий солиқ – 12 фоиз (бюджет ташкилотлари – 25 фоиз), айланмадан олинadиган солиқ – 4 фоиз миқдор-ида ўзгаришсиз қолмоқда.

Бундан ташқари, Солиқ кодекс-ида қўшилган қиймат солиғининг узлуқсиз занжирини яратиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш-ни таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мазкур қонун мебелсоз-лик ва заргарлик соҳаларида фаолият юритаётган тadbиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳсул-лотларнинг экспортини кенгайтириш, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъмин-лашга ҳам йўналтирилган.

Қайд этилганидек, қонун амалиётга татбиқ этилиши натижасида тadbир-корларга қулай шaroитлар яратишга имкон берадиган солиқ мажбуриятла-рини бажариш бўйича тегишли ҳуқуқий муносабатлар тартибга солиниши на-зарда тутилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида микрофирма ва кичик корхоналарга солиқ ҳисоботларини ўз вақти-

да тақдим этмаганлик учун жарима миқдори пасайтирилиб, охириги уч ой ичида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиб келган солиқ тўловчилар-га кейинги ҳисоботни 5 иш кунигача ке-чиктирган тақдирда, маъмурий жарима қўлланилмаслиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, бир календарь ойда бир нечта солиқ турлари бўйича ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилма-ган тақдирда, барча ҳисоботлар учун фақат битта жарима қўллаш механиз-ми жорий этилмоқда.

Сенат аъзолари ўз чиқишларида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тар-моқларига, жумладан, қишлоқ ҳўжали-ги, тўқимачилик, маҳаллий саноат, озиқ-овқат, медиа ва алоқа каби соҳаларига бир қатор солиқ ва божхона имтиёзла-ри берилаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, мазкур қонун халқ депу-татлари маҳаллий Кенгашларига қиш-лоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган ставкага нисбатан 0,5 дан 1,2 гача бўлган камайтирув-чи ва оширувчи коэффициентларни ҳамда лазерли текислаш лозим бўлган суғориладиган ерлар лазерли текис-ланмаган тақдирда, ушбу ерлар учун фойдаланиладиган сув хажми бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 1,2 гача оширувчи коэффициент қўллаш вако-латини бермоқда.

Сенаторлар ушбу қонун тadbиркор-лик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантиришини, тенг ва адолат-ли рақобат муҳитини таъминлашини, маъмурий жарималар юкини енгил-лаштириши ҳамда яширин иқтисоди-ётнинг улушини қисқартиришга қар-атилганини таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қо-нунни маъқуллади.

Парламент юқори палатаси аъзолари “Бюджет жараёни такомиллаштирили-ши муносабати билан Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳужжатлари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама этди.

Муҳокама мобайнида фуқаролар-ни бюджет жараёнига жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш орқали бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофлиқни таъминлаш, уларнинг мақсадли сарфланиши устидан жа-моатчилик назоратини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оши-рилаётганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, қонунда бюджет маблағла-ридан фойдаланишда раҳбарларнинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳам назарда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2025 йил 24 ноябрь

№ 23

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хил қўл-лаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Респу-бликаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленуми-нинг “Кредит шартнома-ларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарили-шини таъминлаш тўғри-сидаги фуқаролик қонун

ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”- ги 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори: 4-банди қуйидаги мазмунда- ги тўртинчи – еттинчи хатбо-шилари билан тўлдирилсин: (Давоми 2-бетда) ►

Марғилон шаҳрида яшовчи ҳуқуқшунос Матлуба Маҳмудова бу йилги Конституция байрамини ҳар галгидан ўзгача қутуб олди. Албатта, бунинг муҳим сабаби бор.



Оқлов

Адолат тантанаси

ноқонуний айблов суд томонидан бекор қилинди, шахс оқланди

Гап шундаки, М.Маҳмудо-ва Тошлоқ тумани 2-сон дав-лат нотариал идораси нота-риуси лавозимида ишлаган. Аммо 2016 йилда бошига жиддий ташвиш тушади.

Аниқланишича, тегишли ҳукумат қарорлари ва Ад-лия вазирининг буйруғи талабларига асосан нота-

риус 2015 йил ҳамда 2016 йилнинг 4 оyi давомида автомашинадан текин фой-даланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи, герб йиғими ва пуллик хизмат учун 29.600 сўмдан 32.500 сўмгача тўлов унди-риши лозим бўлган.

(Давоми 4-бетда) ►



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ўз латофати ТАҚДИМ

Зариф инсон Сўз қадри-га этади. Сўзнинг мағзини чақиб, туб илдизини қиди-ради. Инсонни улугʻлайди-ган, уни қаро ердан осмон фалакка қўтарувчи фазилат баҳрамандлиқдир. Ўз она ти-лини севмаган, тил замири-да ётган тарихни билмаган, қизиқмаган одам баркамол саналмас. У ким, қайси юрт ва қайси миллатга мансуб эканидан, ўз она тилининг бою камбағаллиги, майин ё дағаллигидан қатъи назар, ўз тилинг ўз ватанингдек

азиз, ўз онангдек табарруқ. Расул Ҳамзатов авар тили-да гапирганда, эшитиб хай-ратга тушганман. Қойил қо-либ эмас, шу тилда ҳам шەър ёзиб бўладими, деб ёқа ушла-ганман. Икки авар сўзлашса, ўдағайлашапти, деб ўйлай-сиз. Тишда ёнғоқ қаққандек қарсиллаган, тош йўлда ара-ва югургандек тарақлаган овозни эшитасиз. Лекин авар ўз тилини севади. Улуғ шоир-лари бу тилда ўлмас шەърлар ёзиб қолдирганлар.

(Давоми 4-бетда) ►

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохот-ларнинг муҳим йўнали-шларидан бири — бу ни-золарни судгача ҳал этиш механизмларини риво-жлантириш, жумладан, медиация институтини кенг жорий этишдир.

Медиация институтининг замонавий тенденциялари, яъни унинг ҳуқуқий асосла-рини такомиллаштириш; институционал жиҳатлари-ни мустаҳкамлаш; процес-суал нормалар таъсири-ни кучайтириш; иқтисодий ва инвестициявий аҳамиятини ошириш; қўллаш соҳасини

■ Қонун шарҳи

Медиациянинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

рақамлаштириш; халқаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш орқали низоларни суд-гача самарали ҳал этиш им-кониятларини кенгайтиришда намоён бўлмоқда.

Шу сабабли Медиаторлар фаолиятини қўллаб-қувват-лаш, медиатив келишувлар-нинг ҳуқуқий аҳамиятини ку-чайтириш ва уларни амалга ошириш механизмларини та-комиллаштириш давлат сиё-сати даражасидаги устувор вазифага айланди.

Шу мақсадда 2025 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўз-бекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-га низоларни муқобил ҳал этишда медиация институ-тини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғ-рисида”ги қонун медиация амалиётини ҳуқуқий, институ-ционал ва процессуал жиҳат-дан сезиларли даражада такомиллаштирувчи муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳи-

собланади. Ушбу қонун билан амал-даги «Медиация тўғрисида», «Нотариат тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа орган-лар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида», «Давлат божи тўғрисида»ги қонун-лар, шунингдек, Оила, Со-лиқ, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ко-дексларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

(Давоми 3-бетда) ►



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси
Иқтисодий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси профессори,
юрidik фанлар доктори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р ИЎзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди
Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда
баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

◄ (Бошланиши 1-бетда)

“ФКнинг 746¹-моддасига мувофиқ, кредитни муддатидан олдин суд тартибидан ундиришда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор дастлаб қарзнинг белгиланган муддатда қайтарилмаган қисмини ундириш учун судга мурожаат қилади. Бунда агар қарз олувчи муддати ўтган қарзни тўлиқ тўламаган тақдирда, кредитор кредитнинг қолган барча суммасини муддатидан олдин қайтариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шунинг учун судлар кредитнинг қолган қисмини муддатидан олдин қайтариш ҳақидаги даъволарни кўришда, шартнома шартларини ўрганишлари ва шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор дастлаб қарзнинг белгиланган муддатда қайтарилмаган қисмини ундириш учун судга мурожаат қилган ёки қилмаганлигига аниқлик киритишлари лозим.

Агар кредитор олдин қарзнинг белгиланган муддатда қайтарилмаган қисмини ундириш учун судга мурожаат қилмаганлиги аниқланса, судлар дастлаб фақатгина кредит қарзининг белгиланган муддатда қайтарилмаган қисмини ундириш масаласини муҳокама қилиши, даъвонинг муддати келмаган қарздорликни ундиришга оид қисмини эса қаноатлантиришни рад этиши лозим.

Қарз олувчи муддати ўтган қарзни тўлиқ тўламаганлиги асоси билан кредитор кредитнинг қолган барча суммасини муддатидан олдин қайтариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилганда, даъво аризага Мажбурий ижро бюросининг қарз олувчи томонидан муддати ўтган қарзни ундириш ҳақидаги суд ҳужжати бўйича “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 30-моддасининг биринчи қисмида белгиланган икки ойлик муддат ичида тўлов тўлиқ ёки қисман амалга оширилмаганлигини тасдиқловчи маълумотномаси илова қилиниши лозим.”;

21-банди қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“ФК 285-моддасининг тўртинчи қисми ва “Гаров тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 47-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, гаров нарсаси бўлган мол-мулк гаровга қўювчидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда, гаровга олувчида ўз талабларини ушбу мол-мулк ҳисобидан устувор тарзда қаноатлантириш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Гаровдаги мулкнинг бундай асосларга кўра, олиб қўйилиши кредитни муддатидан олдин қайтариш ҳақида талаб қўйишга асос бўлади.”;

иккинчи хатбошиси тегишлича, **учинчи хатбошиси** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **22¹-банд** билан тўлдирилсин:

“22¹. Судларнинг эътибори

ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратиш ҳақидаги талабнинг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мослигини текшириш лозимлигига қаратилсин. Бунда гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас эканлиги ва гаровга олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мос келмаслиги, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳақидаги талабни рад этишга асос бўлиши инobatга олиниши лозим.

ФК 279-моддасининг учинчи қисми ва “Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бузилиши қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган тақдирда, жуда арзимас деб ҳисобланади:

агар гаров билан таъминланган, қарздор томонидан қопланмаган мажбуриятнинг суммаси гаров қийматининг ўн беш фоизидан камроқни ташкил қилса;

агар гаров билан таъминланган мажбурият бажарилишнинг кечикиши кетма-кет уч ойдан ошмаган бўлса.

Ушбу асосларнинг бир вақтда мавжудлиги ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишни рад этишга асос бўлади.

Тушунтирилсинки, “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 36-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, даврий тўловлар билан бажариладиган мажбуриятни таъминлаш учун ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга, ушбу тўловларни тўлаш муддатлари кетма-кет уч ойдан ортиқ муддатга бузилган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.”;

23-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“23. Тушунтирилсинки, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 54-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулк суд томонидан мажбурий тарзда баҳолашдан ўтказилади ҳамда ушбу кимошди савдосидаги бошланғич реализация қилиш нархи суд қарори билан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда аниқланган миқдорда белгиланади.

Судлар ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратиш ҳақидаги қарорда нафақат бу мол-мулкнинг кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархи, балки уни аниқ идентификация қилиш имконини берувчи маълумотларни (мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи, кўчмас мулкнинг кадастр рақами, автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналарнинг маълумотлари ва ҳоказо) ҳам кўрсатиш лозимлигига эътибор қаратсинлар.

Агар кредиторларнинг гаров

билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунига қадар чиқарилган суд қарори устидан шикоят қилинмаган ва у белгиланган тартибда қонуний кучга кирган бўлса, мажбурий ижро ҳаракатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва гаровдаги мол-мулк тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида тузилган гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарх бўйича реализация қилинади.

Қарздорликни ундириш ва ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги ишларни кўриш пайтида гаровга қўйилган мол-мулкни бошланғич баҳоси юзасидан низо бўлганда, у ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, суд томонидан мажбурий тарзда баҳоланади.”;

27-банди қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судларга тушунтирилсинки, “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддаси олтинчи қисмига кўра, гаровга олувчи такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда кейин бир ой ичида гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдириш ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдирда, ипотека тугатилади.

Бундай ҳолатда, гаровга олувчи Фуқаролик кодексининг 281-моддаси олтинчи қисми 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаганлиги гаров шартномасини бекор қилишга асос бўлмайди.”.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2009 йил 10 апрелдаги 6/196-сонли қарори:

19-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Тушунтирилсинки, иқтисодий суднинг қардор юридик шахсини банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда давлат ижросиши ижро иши юритишни тамомлайди, бундан ундирувни гаров билан таъминланган мол-мулкка қаратиш, мулк ҳуқуқини эътироф этиш, маънавий зиённи компенсация қилиш, мол-мулкни ўзга шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, асоссиз ортирилган бойликни қайтариш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги, шунингдек, жорий тўловлар бўйича талаблар юзасидан ижро иши юритишлар мустасно.”.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масала-

лари тўғрисида” 2023 йил 20 ноябрдаги 28-сонли қарори:
5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“5. Судлар Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ, ижара муддати тугаганлиги муносабати билан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги даъволарни кўришда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси янги муддатга узайтирилган ёки узайтирилмаганлигини аниқлашлари лозим.”;

қуйидаги мазмундаги **6¹-банд** билан тўлдирилсин:

“6¹. “Ўзбекистон Республикаси ФПК 50-моддасининг биринчи қисми, ИПК 49-моддасининг учинчи қисмига кўра, прокурор ўзининг даъво аризаси (аризаси) асосида қўзғатилган ишларда, шунингдек, давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларда, МСИЮтК 46-моддасининг биринчи қисмига кўра эса, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Шу сабабли судлар ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларни судда кўришда прокурорни хабардор қилиш масаласини ҳал этишлари лозим.”;

15-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“15. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг 4-банди билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш (бундан мазкур Фармонга мувофиқ ер участкаларини давлат ташкилотларига доимий фойдаланишга ажратиш, ижара шартномасини имзолаш бўйича ваколатлар мустасно), туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан эса ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.

Шу билан бирга, мазкур Фармоннинг 8-бандида ушбу Фармон расман эълон қилинган кундан бошлаб, Ер кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгунига қадар Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан мазкур Фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилганлиги қайд этилган.

17-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“17. Судларнинг эътибори биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасини бўлиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда Ер кодекси 22-моддасининг бешинчи қисмига асосан, ер участкасини бўлиш ёки ундан фойдаланиш тартибини белгилаш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги кадастр органи мутахассисининг фикри ёки судга оид экспертиза хулосаси билан аниқланиши мумкинлигига қаратилсин.”;

19-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“19. Ер кодекси 62-моддасининг тўртинчи қисми талабига мувофиқ, ер участкасининг ёхуд ундаги иморатнинг у ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш, оқова сувларни чиқариб юбориш, трубопровод, сугориш қурилмалари ва шу кабилар), ер участкаларининг эгалари ёки ундан фойдаланувчилар эса, мустақил равишда ўзича ёки транспортда кириб-чиқиш имконидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, ер участкасининг бўлинишига йўл қўйилмайди.”;

25-банди қуйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“Ер кодекси 36-моддасининг бешинчи қисмига биноан, ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 13-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасининг ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Шунга кўра, ижара шартномаси мавжуд бўлиб, даъво аризасида Ер кодекси 36-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 6 – 10, 13-бандлари асос қилиниб, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ҳақида талаб қўйилса, судлар бундай талабни қаноатлантириш рад этилиши лозимлигига эътибор қаратишлари лозим.”;

26-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“26. Судлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар билан тузилган ер участкаси ижара шартномасини Ер кодекси 36-моддаси биринчи қисмининг 6-7-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда даъвонинг асослилигини Фуқаролик кодексининг 384-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги ҳамда 2024 йил 30 декабрдаги 914-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланиш

тартиби тўғрисида”ги низомлар ҳамда бошқа низога оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилинганлигини текширишлари лозим.”;

қуйидаги мазмундаги **26¹-банд** билан тўлдирилсин:

“26¹. Ер кодекси 24²-моддасининг еттинчи қисмига кўра, агар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу шартномани муддатидан илгари бекор қилиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Шу сабабли судлар бундай тоифадаги ишларни кўришда низолашилаётган шартнома бўйича ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси иккиламчи ижарага берилган ёки берилмаганлигини аниқлашлари, зарур ҳолларда эса ер участкасини иккиламчи ижарага олган шахсни ишга иштирок этишга жалб қилиш чораларини кўришлари лозим.”;

27-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Шу билан бирга, Ер кодекси 24-моддасининг ўн иккинчи қисми мазмунига кўра, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи фақат кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкинлиги инobatга олиниши керак.

Бунда, судлар фермер хўжалиги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини фақат ўзига кредит олиш учун гаровга қўйишга ҳақли эканлигига эътибор қаратиши лозим.”;

қуйидаги мазмундаги **29¹-банд** билан тўлдирилсин:

“29¹. Судлар ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган давлат мулкидаги ер участкасини қайтариш ва ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ишларни кўришда ИПК 203⁹-моддаси талабларига қатъий риоя этишлари шарт.”;

33-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйилмайди.”;

учинчи – олтинчи хатбошилари тегишлича, **тўртинчи – еттинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда иқтисодий судларнинг ролини ошириш тўғрисида” 2004 йил 12 мартдаги 115-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

Б. ИСЛАМОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

У. ХОЛОВ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбек тилим бошқаларга қандоқ, бил-майман, лекин мен учун дунёда энг бой, энг гўзал, энг баркамол тил. Ўзбекча га-пириб тилим чиққан, кўлимга қалам олиб ўзбекча ёзганман, қалбим севинчлари ва изтиробларини ўзбекчада қозғаша ту-ширганман. Унга меҳримни, миннатдор-лигимни изҳор этиб, бир китоб ёзсам деган ниятим бор. Ёзганларим шеър бўлмаса-да, шеърдек ўқилса, дейман. Она тилимнинг кўрки, барваста қомати саҳифалардан бўй кўрсатиб турса, дей-ман. Орзуларим кўп. Қани эди парвозим орзуларим қадар юксак бўлса...

«ҚАРОКЎЗУМ...»

*Қарокўзум, келу мардумлиг
эмди фан қилғил,
Кўзим қаросида мардум
киби ватан қилғил.*

Бу сатрлар битилган вақтдан буён беш асрдан зиёда вақт ўтди. Неча-неча авлодлар дунёга келиб кетди, неча-неча тахтлар қулади, сулолалар кечди, замонлар алмашди. Қадимий жафокаш халқимиз бошидан не-не ходисалар ўтди, уруғчилик тарқоқлиги оша, беқлик-лар, хонлиқлар низолари, қирғинлари оша ўзбек халқ бўлиб, миллат бўлиб бирлашди... Ва ҳануз буюк Навоий байт-лари билан айтилмаган қўшиқ унинг ву-жудини ларзага солади, юксак туйғулар оламига етаклайди. Боиси шуки, Алишер Навоий каби даҳолар фақат ўз замонаси эмас, балки ҳамма замонларнинг шоири бўладилар. Улар тараннум этган туйғу-лар инсон юрагининг азалий ва мангулик хоссаларидир.

Биз Навоий ва Бобур, Фузулий ва Отаҳий, Машраб ва Муқимий, Нодира ва Фуқрат сингари ўтмиш шоирлари-миз ижодини севамиз, ўрганамиз. Чўнки уларнинг ижодий мероси бизни эзгулик-ка ундайди. Она-юртни, халқни фарзанд-лик меҳри билан севишга, руҳий поклик-ка, вафо, садокатга ўргатади.

*Қарокўзум, келу мардумлиг
эмди фан қилғил,
Кўзим қаросида мардум киби
ватан қилғил.*

Бу сўзларда қанчалар вафодорлик, фидойиллик бор, баркамол муҳаббат бор, шеърый ифода эса, нақадар теран, жо-зибали, сержилло. «Мардум» сўзининг икки маъноси бор. Мардум — одам, мар-дум — кўз гавҳари. «Қаро кўзум» дея мурожаат этади шоир севикли ёрга, келу

🎨 *Тарих тилсимлари*

Оғиз атофати

мардумлиг, яъни одамлик, одамгарчилик фанини кўрсат, кўзум қаросида мардум киби, яъни гавҳар каби ватан қилғил, ма-кон қилғил. Биргина байтда неча маъно товланишлари — ҳам мардумнинг икки маъноси, ҳам «қаро кўзум»га муқобил «кўзим қароси» ифодаси — нақадар теранлик, нафосат, мукамаллик бор. Ошиқ ёрни фақат кўриб туришни эмас, кўз қорачиғига жо қилмоқни истайди ва қаён боқмасин, ойгами, гулгами, шаб-намгами — барига ёр жамоли орқали боқишни орзу қилади, баарида унинг тим-солини кўришни тилайди. Бу фикр На-воийнинг бошқа бир ғазалида очикроқ, равшанроқ бир шаклда намоён бўлган:

*Ўзгалар хуснин тамошо айласам
чиқсун кўзим,
Ўзга бир кўз ҳамки, хуснингни
тамошо айласа.*

Севгили ёр ошиқ кўзининг қорачиғида ватан қилса, бу унинг учун қувонч, катта байрам, ошиқ кўнгли боғ, равзага айла-нади ва бинобарин, маъшуқа юзининг гули бу равзада макон топади.

*Юзинг гулига кўнгил равзасин
яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин
чаман қилғил.*

Яъни кўзларимда гавҳар бўлиб жой-лашганинг бахтидан боғ бўлган кўнглим юзинг гулига гулшан-у, бу саодатдан гул-шанга айланган жоним қаддинг ниҳолига чаман бўлсин. Ёрга фидойий муҳаббат изҳори кейинги байтларда янада ёрқин ифода этилган.

*Таковарингга бағир қонидан
хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин
расан қилғил.*

Шоирнинг юрак қони ёр отининг туёқларига хино бўлиш учун, жон риш-таси — жон ипи итининг бўйнига расан, ошиқ тасма бўлиш учун фидо. Негаки, яъни шоир бағридаги қоннинг ҳар том-чиси ишқ билан йўғрилган, жони вафо

учун шу қадар фидоки, вафодорлик рам-зи бўлган ёр итининг бўйнида қолишга тайёр.

Кейинги байтда ошиқ шоир чархга — тақдири азал тимсоли бўлган фалакка мурожаат этади: Мен-ку бутун умрим, жоним, вужудимнинг ҳар бир заррасида ёр муҳаббатига фидо, ҳижронида адо бў-либ, бу дунёдан ўтарман. Замон-замон-лар танимни фироқ чоғида тупроққа ай-лантиради. Лекин орзуим шуки, эй чарх, минг йиллар сўнгидега топилган тупроғим-ни хамир қилиб, ўша фироқ тоғида ошиқ-лик рамзи бўлган Фарҳодни — ул кўҳкан, яъни тоғ кесувчини яратгилки, менинг янги умрим ҳам муҳаббатга фидо бўл-син, ёр ишқи йўлида меҳнат билан ўтсин.

*Фироқ тоғида топилса
тупроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда
кўҳкан қилғил.*

Ошиқ кўнгил тупроқ бўлиб, ёр оёғи остида ётибди. Шоир лутф ила ёрга му-рожаат қилади:

*Юзинг висолига етсун десанг
кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила
шикан қилғил.*

Бу байт фикрнинг нозик яширинган-лиги билан нақадар гўзал. Шоир кўнги-ларнинг ёр оёғи остида тупроқ бўлиб ётганини ҳам, ёр сочининг нақадар узун-лиги, агар бурама-бурама, тўлқин-тўлқин қилиб ташлаб қўйса, то ергача етишини ҳам ошкор айтмайди. У фақат «ошиқ кўнгиллар юзинг висолига етсун десанг, сочингни бошдан оёқ жингалак қилгин» дейди. Шоир тасаввурида ёр сочининг учига етишган ғубор, яъни ошиқ кўнгли жингалак тўлқинли ўримлар пиллапо-сидан маъшуқа юзининг висолига ети-шади.

Кейинги байтда фикр мантиқий ривож-ланади. Унинг маъноси бундай: бу дунёда гўзаллик ғанимат, ёшлик ғанимат. Бу ўткинчи ҳаётда ишқу висол бахтидан қувонмоқ керак.

Негаки:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон,
эмас монеъ,
Бу боғ томига ғар игнадин
тикан қилғил.*

Яъни хазон лашкари бостириб келгач, эй боғбон, бу боғ деворларига қанча ти-кан босиб ғов қилмагин, барибир бу ғов кўзининг истилосига моне бўлолмайди. Инсон умри ҳам шу — у ниҳоясига етгач, ҳеч бир тadbирдан фойда йўқ. Демаки, тириклик ғанимат, ёшлик ғанимат, маъ-шуқанинг ошиқ бошига солгувчи уқубат-лари, ҳижрону жафолари ғофилликдан, тириклик қадрига етмаслиқдандир.

Аммо ошиқ шунча тазаррулар сўнгидега яна ёрга вафою садоқатини шундай сўз-лар билан ифода қилади:

*Юзида терни кўруб ўлсам,
эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул барғидин
кафан қилғил.*

Мен агар ёрнинг гул юзидаги гулобдек терни кўриб ўлсам, ўйламангки, бу гул, бу гулобни мен ортиқ кўрмоқни истамай-ман. Билъакс, мени гулоб билан ювинг, гул баргидан кафан қилингни, сўнгги йў-лимда ҳам ёр хаёли менга ошно бўлсин.

Ғазал сўнгги байтга етиб келди. Шоир фидойиллик, садокат ҳақида, дунёнинг боқийлиги ва инсон умрининг фонийлиги ҳақида теран хаёлларга берилди. Ниҳо-ят, бу хаёлларнинг хулосаси сифатида шоир ўзига мурожаат қилади:

*Навоий, анжумани шавқ
жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиқ ўқин шамъи
анжуман қилғил.*

Ошиқ юрагига ёрнинг бошоқ учлик — қайтиб чиқмас ўқлари санчилган. Аммо ошиқ бу ўқлардан озод бўлишини иста-майди. У жон аро анжумани шавқ — шод-лик базми тузиб, ёрнинг ўқларини шамъи анжуман — шамлар давраси қилиб, ёқиб қўймоқчи. Демак, маъшуқа отган ўқлар ошиқ учун шодлик манбаи, нур манбаи.

Мана, «қаро кўзум» дея ёрга му-рожаат билан бошланган бир ғазалнинг қисқача баёни. Бу ғазал инсоний туйғу-ларнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, ба-дий тафаккурнинг теранлиги билан, ташбехларнинг бойлиги, мукамаллиги билан фақат Навоий ижодининг эмас, балки кўп асрлик шеърятимизнинг энг нодир намуналаридан бири бўлиб қола-ди ва ҳали кўп замонлар шеърят мух-лисларини ўзига ром этади.

(Давоми кейинги сонда)

■ Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— *Турмуш ўртоғим билан оилавий келишмов-чилик туфайли қонуний никоҳни бекор қилмоқ-чиман. Ўртада фарзандимиз йўқ ва иккимиз ҳам ажрашишга розимиз. Бундай вазиятда никоҳни ФХДё идоралари орқали бекор қилиш мумкинми?*

Т. ҲАКИМОВ,
Андижон вилояти

— Ҳа, бундай ҳолат-да никоҳни ФХДё идора-си орқали бекор қилиш мумкин. Жумладан, Оила

кодексининг 42-моддаси-га асосан, агар турмуш ўртоғингиз билан умумий фарзандларингиз бўлма-са, мол-мулк бўйича низо йўқ бўлса ва ҳар икки томон ҳам никоҳни бекор қилиш-га рози бўлса, фуқаролик ҳолати далолатномалари-ни қайд этиш органи орқа-ли никоҳдан ажратишга йўл қўйилади. Агар турмуш ўртоғингиз сиз билан бир-га бора олма-са, ўз яшаш жойидаги ФХДё бўлимига алоҳида ариза топшириши ҳам мумкин. Икки ариза мазмунан бир-бирига мос бўлса, қабул қилинади. Эр-хотин ўртасида меҳнат-га лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки улар-нинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўл-ган тақдирда, эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратилади.

ажратиш тўғрисидаги ари-за билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Бундан ташқари Оила кодексининг 43-моддасига асосан, агар эр-хотиндан бири суд томонидан беда-рак йўқолган, шунингдек, руҳияти бузилиши сабаб-ли муомалага лаёқатсиз деб топилган ва содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган бо-лалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бири-нинг аризасига кўра, улар фуқаролик ҳолати дало-латномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади. Агар бола-лар, эр-хотиннинг бирга-ликдаги умумий мол-мул-кини бўлиш ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқат-сиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблаг тўлаш ҳақида низо мавжуд бўл-са, улар никоҳдан суд тар-тибида ажратилади.

— *Айтинг-чи, вазият тақозосига кўра, оталик суд орқали белгиланса, бола нафақаси ва али-мент масаласи қандай ҳал этилади?*

Ҳилола ПИРМАТОВА,
Бухоро вилояти



— Сизнинг бу саво-лингизга амалдаги Оила кодексидан жавоб топиш мумкин. Жумладан, ушбу кодекс талабига кўра, агар боланинг отаси ФХДё бў-лимига ихтиёрий равишда келиб оталикни тан олма-са, онанинг мурожаати би-лан оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Хусусан, Оила кодекси-нинг 62-моддасига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу кодекси-нинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгила-ниши мумкин. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки бола васийсининг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг ари-засига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга ошири-лади.

Оталикни белгилаёт-ганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликла-рини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади. Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда, унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин. Оталикни белги-лаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нухасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаро-лик ҳолати далолатнома-ларини қайд этиш органи-га юборади. Суд оталикни белгиллаганидан сўнг ота ҳар ой бола таъминоти учун алимент тўлайди.

Саволларга Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати судьяси Икром АЛМАНОВ жавоб берди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бироқ М.Маҳмудова (исм-шарифлар ўзгарти-рилган) нотариус ёрдамчи-си У.Отажонов ва котиби К. Нортोजиев (жиноят ишининг уларга оид қисми тугатилган) билан жиноий тил бирикти-риб, бир гуруҳ бўлиб, шу тур-даги нотариал ҳаракат эва-зига 247 нафар фуқародан 37.000 сўмдан 400.000 сўмга-ча ҳақ ундиришган. Оқибатда 29.708.205 сўм миқдоридаги маблағни алдов йўли билан қўлга киритганлик, яъни фи-рибгарликда айбланган.

Шунинг учун М.Маҳму-дова жиноят ишлари бўйи-ча Фарғона шаҳар суди-нинг 2016 йил 5 октябрдаги ҳукмига мувофиқ, Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “б, в” бандлари би-лан айбдор деб топилган. Ушбу кодекснинг 45-моддаси тартибидан у 3 йил муддат-га мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қи-линган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 120 баравари (ўша пайтда 15.628.800 сўм) миқдорида жарима жазосига ҳукм этилган.

Шу суднинг 2016 йил 27 октябрдаги ажримига кўра, М.Маҳмудова жарима жазо-сидан озод қилинган. Бунга Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўз-бекистон Республикаси Конституцияси қабул қилин-ганлигининг йиғирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қаро-ри асос бўлган.

Айни чоғда, Янги Ўзбекис-тонда кечаётган суд-ҳуқуқ

■ Оқлов

ислохотлари моҳиятига сингдирилган қонунийлик ва адолатпарварлик мезонлари тобора амалда намоён бўла-ётгани Матлуба Маҳмудо-вага ҳам умид бағишлайди. Шу боис у ҳимоячиси билан бирга Фарғона вилоят судига кассация шикояти билан му-рожаат қилади.

Натижада Фарғона ви-лоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кас-сация инстанциясининг 2024 йил 16 августдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгар-тирилиб, М.Маҳмудова та-йинланган асосий жазодан озод қилинган. Лекин бу ажримдан қониқмаган собиқ нотариус Фарғона вилоят судига тафтиш шикояти би-лан мурожаат қилиб, ўзининг айбсизлигини исботловчи бир қатор далилларни кел-тирди.

Чиндан ҳам, тафтиш ин-станцияси судида М.Маҳмудо-ванинг айбсизлиги ўз исботи-ни топди. Аввало, 247 нафар фуқародан ўз маблағлари-нинг нотариус томонидан фарибгарлик йўли билан қўлга киритилганлиги юза-сидан ариза келиб тушмаган.

Қолаверса, фуқаролар пулларни айнан унинг қўли-га, алдови асосида топшир-ганини тасдиқловчи далил-лар мавжуд эмас. Шунингдек, дастлабки тергов органи ва суд нотариал ҳаракатлар учун ортиқча пул тўлаган гувоҳларни бевосита сўроқ

НОҚОНУНИЙ айблов суд томонидан бекор қилинди, шахс оқланди

қилиб, уларни М. Маҳмудова билан юзлаштириш чорала-рини кўрмаган.

Бундан ташқари судда фуқаровий даъвогар тариқа-сида кўрсатма берган Ғ.Мўй-динов Тошлоқ туманидаги 2-сонли давлат нотариал идорасига бориб, автома-шинадан теким фойдаланиш шартномаси расмийлаштир-гани, белгиланган суммани кассага тўлагани ва нотариус хизмат ҳақи эвазига ортиқча пул сўрамаганини таъкидла-ди. Яна 7 нафар фуқаровий даъвогар ҳам худди шундай кўрсатма берди.

Шу билан бирга, нотариус ёрдамчиси У.Отажонов ва ко-тиби К.Нортोजиев ўзларига нисбатан жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказилгани, қамоққа олинишдан кўриб, ноилож-ликдан М.Маҳмудовага қар-ши кўрсатма беришга маж-бур бўлганларини айтган

ҳолда, дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмаларини ин-кор қилдилар.

Бош Қомусимизнинг 28-моддасида **“Айбдор-ликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўл-са, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судла-нувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”**, деган норма белги-ланган.

Фарғона вилоят суди ана шу асосларга таянган ҳол-да, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 5 октябрдаги ҳукми ва Фарғона вилоят суди кас-сация инстанциясининг 2024 йил 16 августдаги ажримини бекор қилиб, М. Маҳмудова-ни айбсиз деб топди ва оқла-ди.

Шунингдек, ўша пайтда М.Маҳмудовадан ундирил-

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилмиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.
Буюртма: Ғ-1215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3030
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21³⁰. Топширилди: 22⁰⁰.